

Айбдорнинг ҳаракатларида тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш квалификация белгиси мавжуд бўлмаганлиги сабабли унинг айбидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и» банди чиқарилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж,и» бандлари билан 15 йил 6 ой, 164-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан 10 йил, 25,97-моддаси 2-қисмининг «в,д,ж,о,р» бандлари билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар кассация инстанцияси судининг 2010 йил 27 августдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра И. 2007 йил 26 январь куни фуқаро А.нинг ижарада яшаб келаётган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 1-уй, 65-хонадонига келиб, у ерда спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, муқаддам А.га берилган тилла тақинчоқларининг пулларини олиш мақсадида ўзаро жанжаллашган. Жанжал пайтида И. таъмагирлик ниятида, шу ерда ётган темир билан А.нинг ўнг чакка соҳасига уриб, ўта шафқатсизлик билан унинг бўйнидан телефон сими ва қўллари билан бўғиб ўлдирган.

Шундан сўнг И. А.га тегишли бўлган 682.000 сўмлик тилла тақинчоқлари, «Нокия» телефон аппарати ҳамда 12.000 сўм пулларни эгаллаган. И. содир қилган жиноятларини яшириш мақсадида шу уйнинг меҳмонхонасида ухлаб ётган З.дан қутилиш учун, бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда З.ни қасддан ўлдириш мақсадида ошхонадаги газ плиталарнинг жумракларини очиб, ўзи эса хонадоннинг ташқарисидан эшигини қулфлаб, воқеа жойидан яширинган. З. эшик кўнғироғидан уйғониб қолганлиги сабабли

И. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўз жиноятини охирига етказа олмаган.

Олий суд раиси ўринбосари томонидан билдирилган протестда И.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш масаласи қўйилган.

Суд жиноят иши бўйича иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлсада, бироқ И.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги **“Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарорининг 14-бандида айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулк ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилар) қутулиш мақсадида қасдан одам ўлдириш тамағирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “и” банди билан) квалификация қилиниши;

агар айбдор моддий наф кўришга нисбатан қасд қотиллик содир этилганидан кейин пайдо бўлган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 97-моддаси тегишли қисми билан ҳамда Жиноят кодексининг ўзганинг мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича квалификация қилинмоғи лозимлиги назарда тутилган.

Бироқ, иш бўйича Пленум қарорининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш материалларига қараганда, И. 2007 йил 26 январь куни таниши А.нинг уйига келиб, у ерда спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, А. билан илгари берилган тилла тақинчоқларининг пулларини олиш мақсадида жанжаллашган.

Жанжал давомида И. шу ердаги темир бўлагини қурол сифатида фойдаланиб, у билан А.нинг ўнг чакка соҳасига уриб, ўта шафқатсизлик билан унинг бўйнидан телефон сими ва қўллари билан бўғиб ўлдирган. Шундан сўнг, И. жабрланувчи А.га тегишли бўлган тилла тақинчоқларни «Нокия» русумли телефон аппарати ва 12.000 сўм пулларни яширин равишда талон-тарож қилган.

Судланган И.нинг дастлабки тергов ва судда, 2007 йил 25 январь куни А.нинг уйига у билан дам олишга борганлиги, А. ундан олган тилла тақинчоқларининг пулини сўраганлиги сабабли ўрталарида жанжал чиққанлиги, А. уни ҳақоратлагани учун жаҳли чиқиб у ерда турган темир бўлаги билан унинг ўнг чап чакка соҳасига урганлиги, А. бақирганлиги учун уни қўллари ва телефон сими билан бўғиб турганлиги, у ўлиб қолганлиги, тумбочка устида турган А.га тегишли тилла тақинчоқларини, телефон ва пулни олиб, газ плитасининг тўртала жумрагини очик ҳолда қолдириб, А.нинг чўнтагидан олган калит ёрдамида эшик қулфини ёпиб уйдан чиқиб кетганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Жабрланувчи З.нинг судда 2007 йил 25 январь куни И. улар яшаётган уйга келганлиги, И. А. билан ётоқхонада ётганлиги, соат 12 ларда эшик қўнғироғи чалинганидан уйғонганлиги, таниши Қ. келганлиги, у билан ётоқхонага кириб А.нинг ўлиб ётганлигини кўрганлиги, уйда газ ҳиди чиққанлиги сабабли, ошхонага бориб газ жумракларининг тўрталаси ҳам очик ҳолда қолдирилганлиги кўриб уни ёпганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра И. таъмагирлик ниятида эмас, балки А. билан жанжаллашиб, ундан ўч олиш мақсадида қасддан ўлдирган. Сўнгра А.га тегишли бўлган 682.000 сўмлик тилла тақинчоқларини, “Нокия” русумли уяли телефон аппарати ва 12.000 сўм пулларни яширин равишда талон-тарож қилган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати, И. томонидан босқинчилик йўли билан А.ни мулкани қўлга киритган эмас, балки унинг анча миқдордаги мулкани яширин равишда талон торож қилган деб ҳисоблайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг

2011 йил 29 декабрдаги ажримига асосан И.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 4 июндаги ҳукми ва шу суд кассация инстанциясининг 2010 йил 27 августдаги ажримини ўзгартирилди, И.нинг айбидан Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг «и» банди чиқарилиб, унинг Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми «г» банди билан жиноий ҳаракатини, шу Кодекснинг 169-моддаси 2-қисми «б» бандига қайта квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Назорат иши ЖСХ-299-11

